

ОММАВИЙ БАЙРАМ ВА ТОМОШАЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ - МАЪНАВИЙ- ХУСУСИЯТЛАРИ

Хусан Жумаев

Термиз давлат университети “Муסיқа таълими” кафедраси Маданият ва санъат соҳасини ташкил этиш ва бошқариш асослари фани ўқитувчиси

Аннотация. Мазкур мақолада очик майдонларда ташкил этиладиган оммавий байрам ва томошаларни ташкил этишдаги энг муҳим жиҳатлар, унинг замонавий талқинларини тадқиқ этиш ҳамда бу борада олиб борилаётган ислохотларнинг негизини англаш ва очик майдон томошаларининг бадий услубиятини таҳлил этишдир.

Калит сўзлар: Байрам, оммавий томоша, миллий кадрятлар, муסיқа, кўшиқ.

Аннотация. В данной статье важнейшими аспектами организации массовых празднеств и представлений, организуемых на открытых пространствах, являются исследование его современных интерпретаций и осмысление основы проводимых в связи с этим реформ, анализ художественная методика перфомансов на открытом пространстве.

Ключевые слова: Праздник, публичное зрелище, национальные ценности, музыка, песня.

Annotation. In this article, the most important aspects of the organization of public celebrations and performances organized in open spaces are the research of its modern interpretations and the understanding of the basis of the reforms being carried out in this regard, and the analysis of the artistic methodology of open space performances.

Key words: Holiday, public spectacle, national values, music, song.

Байрамлар кишилар ҳаётидаги энг қувончли, ҳиссиётли дамлар, хушқайфият чоғлар, бирдамлик, меҳр-оқибат, келажакка ишонч туйғуларини узиди қамраб олган буюк бир ижодий ва ташкилий жараёндр.

Байрам деганда, ҳаётдаги муҳим воқеа, санани кўтаринки руҳда, хурсандчилик билан нишонлаш тушунилади, яъни «**байрам**» туркча сўздан олинган булиб туй, маросим, хурсандчилик деган маънони англатади.

Томоша – томошабин кўз олдида намойиш этилган, юқори савияда бадий жиҳатдан безатилган, эффектли ижро услубларидан моҳирона фойдаланилган, томошабин куриб эстетик завқ оладиган ва бевосита шу тадбирда иштирокчига айланадиган маданий тадбирдир.

Демак, биз байрам ёки томошани туғри ташкил қилиш учун қайси соҳаларга эътибор беришимиз керак?

“**Биринчидан**, байрам ва томошанинг драматик асоси булган сценарий, унинг ёзилиши жараёнлари, сценаристлар ҳақида;

Иккинчидан, томошабиннинг назари дарров байрам ёки томоша утказиладиган жойнинг безагига тушади. Демак, бунда биз оммавий

байрамларнинг бадиий беагаи, тасвирий санъат, расомлар ижоди, декорациялар яратилиши ҳақида;

Учинчидан, куй, кушиқлар ва мусиқа барчамизнинг ҳаётимизга шундай сингиб кетганки, байрамларни санъатнинг бу турисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Демак мусиқа, унинг оммавий байрам ва томошаларда тутган урни ва роли, бастакорлик ижоди ҳақида:

Туртинчидан, ҳеч бир байрам ва томошани рақсларсиз амалга ошириш мумкин эмас, демак, хореография санъати, балетмейстерлар, уларнинг ижодий фаолиятлари, рақсларнинг байрам ва томошаларда тутган урни ҳақида;

Бешинчидан, оммавий байрам ва томошаларда бадиий фон ва фон гуруҳларининг аҳамияти, уларни ташкил қилиш ва бошқариш туғрисида;

Олтинчидан, ҳозирги кунда ҳар қандай байрам ва томошаларда, контсертларда театрлаштириш усулларида фойдаланиш ва қуллаш анъанага айланган. Демак, театрлаштириш усуллари ва шу соҳада фаолият курсатаётган ижодкорлар туғрисида;

Еттинчидан, байрам қатнашчиларини кийинтириш, мавзуга мос равишда либос танлаш жараёни ҳам байрам ёки томошада томошавийликка эришишининг муҳим шартидир.”¹

“Оммавий томошалар халқнинг ижтимоий-маданий ҳаётида, меҳнаткашларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил қилишда муҳим рол ўйнайди. Улар шахснинг ҳар томонлама ривожланиши ва ижтимоий-маданий фаоллигини ошириш жараёнини ўзига хос вазифаларини бажаришга, яъни ҳаваскорлик ижодига жалб қилиш ва мазмунли дам олиш, ҳордиқ чиқаришни уюштиришга ёрдам беради. Оммавий томошалар фақатгина кишиларнинг ҳордиқ чиқаришигина эмас, балки билимини, дунёқарашини ўстиришга, ижодкорлигини оширишга қаратилган бўлиб, ўз навбатида, жамиятдаги асосий иш фаолияти билан яхшироқ шуғулланишга самарали ёрдам беради.

Авваламбор, томошаларнинг асл моҳиятини тушуниб олишимиз лозим.

- **биринчидан**, оммавий томошалар реал ҳаётда бўлаётган муҳим воқеаларни ва маҳаллий турмуш муаммоларини бадиий образли акс эттиради.

- **Иккинчидан**, оммавий томоша, қандай мавзудаги ижтимоий-маданий ҳодисага бағишланмасин, у фақат аниқ шароит учун белгиланган аудиторияга мўлжалланиб, айна вақтда эса бир марта ташкил қилинади.

- **Учинчидан**, оммавий театрлаштирилган томошалар реал ҳаётнинг энг муҳим воқеаларини ҳужжатли-бадиий воситаларга таяниб уюштирилади.

- **Тўртинчидан**, томошалар ижрочиларнинг кенг омма (қатнашчилар) билан бирга ҳаракат қилишини тақозо қилади Оммавий театрлаштирилган томошалар-йирик воқеаларни кенг нишонлаш, байрам кайфиятини яратиш, оммавий ғоявий бирлаштириш учун ташкил қилинади.

¹ В.Рустамов. “Оммавий байрамлар режиссураси ва саҳналаштириш асослари”. Тошкент- 2007. 3-10 бет.

Айниқса, охириги йилларда ташкил қилинаётган оммавий томошаларда бой халқ оғзаки ижоди намуналаридан самарали фойдаланиш туфайли улар халқ ўртасида катта обрў топмоқда.

Булардан,

- **Халқ мусиқа фольклори**

-**Халқ рақс санъати**

-**Халқ театри санъати.**

Халқ театрининг қуйидаги асосий турлари шакллланган:

1. *Масхарабозлик ва қизиқчилик.*

2. *Дорбозлик ва найрангбозлик (сирк санъати).*

3. *Кўғирчоқбозлик.*

- **Аския санъати**

Оммавий театрлаштирилган томошалар-йирик воқеаларни кенг нишонлаш, байрам кайфиятини яратиш, оммавий ғоявий бирлаштириш учун ташкил қилинади. Томоша санъатининг ўзига хос хусусияти шундаки, у ўзи учун санъатнинг бошқа турларидан кўплаб турли шакллар ва таъсирчан воситаларни танлаши мумкин. Масалан: адабиёт, мусиқа, тасвирий санъат, архитектура ва ҳ.к. Томоша доимо маълум бир сахна майдонида ўтказилиб, узвий сахнавий чегарага эга бўлиб, аммо томошабин ва иштирокчига бўлинади.”²

3-август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ижодкорлар зиёлилар билан учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда ижодкор зиёлиларни бугунги кунда жамият ҳаёти, ислохотлар жараёнидаги ўрни ва вазифаси ҳақида муҳим ва долзарб фикрлар баён қилинди.

“Инсон қалбини, унинг дарди ташвишларини халқнинг орзу-интилишлари, Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуси –бетакрор сўз оҳанг ва рангларда тараннум этишни ўз ҳаётининг маъно-мазмуни деб биладиган сиз муҳтарам ижод аҳлининг меҳнати нақадар машаққатли, масъулиятли ва шарафли эканлигини барчамиз яхши биламиз”³ -деди муҳтарам юртбошимиз Ш.Мирзиёев

Сўнгги ойларда мамлакатимизда жорий этилган карантин тартиб қоидалари юрдошларимизни маданий ва кўнгилочар тадбирлардан биров узоқлаштирди. Халқимиз куй-қўшиқларни, байрам ва тантаналарни соғинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 майдаги “Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПФ-6000 Фармониға мувофиқ Маданият вазирлиги фаолияти ўрни, нуфузини ва салоҳиятини янада ошириш ҳамда маданият ва санъат соҳасини янада такомиллаштириш борасида ПҚ-4730 сонли қарор қабул қилинди. Бу муҳим қарор тасдиғи сифатида ҳамда халқимизни маданий дам олишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон

² Ф.Аҳмедов. Оммавий байрамлар режиссураси асослари. Т. “Алоқачи” 2008, 166 -175 бет.

³ Мирзиёев Ш.М. “Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш-халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустақкам пойдеворидир”. Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси. Халқ сўзи. 2017 йил 4-август

Республикаси Президентининг 2020 йил 18 сентябрь куни ўтказилган йиғилиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан ҳафтанинг шанба ва якшанба кунлари “Майдон томошалари” фестивалини мунтазам равишда ўтказиб бориш режалаштирилди ва республика бўйлаб “Майдон томошалари” фестивали ўтказилди.”⁴

Томошаларни тайёрлашда аввало очик майдон дастури концепциясига оид турли эпизодлар ва номерларни асосан жўшқинлик кўтаринкилик ва байрамона руҳиятдаги дастурлар билан композицион боғланишига эътибор бериш лозим.

Жумладан;

- кўшиқ ва рақслар;

- сахна кўриниши ва эстрада томошалари;

-кўғирчоқ театри томошалари ;

-бадий композициялар ва ҳ.к;

дастурларида халқ билан биргаликдаги бадий иштирокларини таъминловчи дастурлардан иборат бўлиши томошанинг янада жонли таъсирчан ва эмоционал бўлишини белгилайди. Бу каби оммавий томошалар ва майдон фестивалидан ягона мақсад асосан халқнинг маданий ҳордиқ чиқариши билан бир қаторда маданий маърифий ва маънавий ижтимоий онгигини янада ривожлантириш ҳамда бугунги давр билан ҳамнафас бўлиши мамлакатимизда олиб борилаётган улкан ислохотлардан хабардор қилиш ва унинг моҳиятини англаш каби устувор мақсадлар ҳам белгилангандир.

Шундай қилиб,бу каби мустақил жамиятимизда ўтказилаётган томошалар-ўзига хос педагогик система бўлиб, ушбу ижтимоий жамиятдаги барча тарбиявий ишлар органик бирлашган бўлиб , инсонларга доимий таъсир қилиб, уларнинг жамиятдаги дунёқарашларини,ғоявий-маънавий ва эстетик ҳолатларининг ривожига ёрдам бермоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 майдаги “Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПФ-6000 Фармони.
2. Мирзиёев Ш.М.“Адабиёт ва санъат,маданиятни ривожлантириш-халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир”. Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллаори билан учрашувдаги маърузаси.Халқ сўзи.2017 йил 4-август
3. В.К.Рустамов. “Оммавий байрамлар режиссураси ва сахналаштириш асослари”. Тошкент-2007. 3-10 бет.
4. Ф.Аҳмедов. Оммавий байрамлар режиссураси асослари. Т.“Алоқачи” 2008, 166 -175 бет.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 майдаги

“Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПФ-6000 Фармони.

5. Bekzod Bahrom O'G'Li Choriyev O'zbekistonda xalq cholg'ularining takomillashuv jarayonlari hamda ko'p ovozli orkestr va ansambllarning tashkil topishi // *Science and Education*. 2022. №4. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/o-zbekistonda-xalq-cholg-ularining-takomillashuv-jarayonlari-hamda-ko-p-ovozli-orkestr-va-ansambllarning-tashkil-topishi> (дата обращения: 07.10.2022).
6. Choriyev, B. (2022). ISSUES TO INCREASE THE EFFECTIVENESS OF MUSIC CULTURE CLASSES IN SECONDARY SCHOOLS. *Journal of Integrated Education and Research*, 1(1), 67-73.
7. Boboramazonovich, K. O. (2022). CHARACTERISTICS OF THE PERFORMANCE OF PEOPLE IN ALLAH, LAPARS, SPEECH IN THE SURKHAN VOLUME. ТАЪЛИМ ВА РИВОЖЛАНИШ ТАҲЛИЛИ ОНЛАЙН ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ, 95-102.
8. URL: <http://www.sciencebox.uz/index.php/ajed/article/view/1517>
9. Choriyev, B. B. (2019). Ideological bases for the modernization of Uzbek folk instruments. *ISJ Theoretical & Applied Science*, 12 (80), 83-87.
10. URL: <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=42657401> DOI: 10.15863/TAS.2019.12.80.17
11. Choriyev, B. B. O. G. L. (2022). O'zbekistonda xalq cholg'ularining takomillashuv jarayonlari hamda ko'p ovozli orkestr va ansambllarning tashkil topishi. *Science and Education*, 3(4), 776-780.
12. URL:<https://cyberleninka.ru/article/n/o-zbekistonda-xalq-cholg-ularining-takomillashuv-jarayonlari-hamda-ko-p-ovozli-orkestr-va-ansambllarning-tashkil-topishi>.
13. Choriyev, B. (2021). UMUMIY O'RTA TA'LIM MUASSASALARIDA MUSIQA MADANIYATI DARSLARI SAMARADORLIGINI OSHIRISHDAGI KAMCHILIKLAR VA MUAMMOLAR.
14. URL: <https://scienceweb.uz/publication/2144>
15. Choriyev, B. (2021). BOLALAR MUSIQA VA SAN'AT MAKTABLARI HAMDA UMUMIY O'RTA TA'LIM MUAASSASALARI INTEGRATSIYASINI TA'MINLASHNING NAZARIY ASOSLARI.
16. O'zbekistonning janubiy hududi hisoblangan Surxondaryo viloyatida faoliyat ko'rsatib kelayotgan "Jarqo'rg'on", "Sharshara", "Mahliyo", "Qo'ng'iro't" va "Zevar" folkloretnografik jamoalari xususida OB Hakimov, *Science and Education*, 2022.
17. URL:https://scholar.google.ru/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=1BkDoSMAAAAJ&citation_for_view=1BkDoSMAAAAJ:Tyk-4Ss8FVUC